



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 12 июль, № 142 (7372) • Жума

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодийнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар Ватанимиз истикболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан бири этиб белгиланмоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Мазмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# «O'ZBEKISTON TARIXI» ТЕЛЕКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, ёш авлодни миллий кадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси асосида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан гурурланиш туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзлини англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари (кейинги ўринларда — Ўзбекистон МТРК), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги, Молия вазирилиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 1 сентябрдан «O'zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш тўғрисида республиканинг кенг жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «O'zbekiston tarixi» телеканали фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

минг йиллар қаърига илдири отган Ўзбекистоннинг қўҳна ва бой тарихи, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган гоъят катта илмий, маданий ва маънавий ҳиссаси ҳақида мамлакатимиз аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини кенг кўламада хабардор қилиш;

ҳар бир воқеанинг мазмун-моҳиятини изчил ва тизимли очиб бериш орқали буюк

тарихимизнинг барча давларини чуқур илмий тадқиқотларнинг ҳолисона натижалари асосида кўрсатиб берувчи ахборот-таҳлилий ва мавзули телекўрсатувлар, ток-шоу, давра суҳбатларини юқори профессионал ва гоъвий-бадий савияда тайёрлашни ташкиллаштириш;

буюк ватандошларимиз — олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг бебаҳо меросини кенг кўламада ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг гоъят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммابоп дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумланини яратиш;

доимий ишлаб турувчи телевизион студия — «муозара майдончаси» фаолиятини таъминлаш, Ўзбекистон тарихи бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини, маданий ва қўҳна ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек, халқимиз тарихига тааллуқли ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган бошқа гоъят муҳим масалаларни очиб муҳокама қилиш учун олимлар, тарихчилар, тадқиқотчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини таклиф қилиш;

чет элларга ижодий сафарлар давомида халқимизнинг моддий ва номоддий мероси, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган нодир қўлэмалар, китобларни излаш, амалий санъат

буюмлари ҳамда музейлар коллекцияларида, хорижий давлатларнинг илмий марказларида, шунингдек, жаҳон тарихий меросини ўрганаётган жағғармаларда сақланаётган қимматли топилмаларни ўрганиш натижалари бўйича махсус телекўрсатувлар тайёрлаш; хорижий телеканаллар, илмий-тадқиқот марказлари ва жағғармалар томонидан тайёрланган, жаҳон тарихининг аҳамиятли лавҳаларини акс эттирувчи, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида содир бўлган тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлган воқеалар ва шахслар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатувларни сотиб олиш, ўзбек тилига таржима қилишни ташкиллаштириш ва миллий телерадиоканаллар эфирларида жойлаштиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган воқеалар ва шахсларга бағишланган маҳаллий ва хорижий бадий фильмларни мунтазам намойиш қилиш, шунингдек, ушбу мавзу бўйича мамлакатимиз кино санъати усталари билан бадий фильмлар ва телесериаллар яратишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи ташкилотлар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобида шакллантириладиган, ходимларнинг чекланган умумий сони 116 нафардан иборат бўлган, «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси қошидаги «O'zbekiston tarixi» телеканалининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, «O'zbekiston tarixi» телеканали:

Ўзбекистон МТРКнинг «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси қошидаги «UzHD» телеканали негизда юридик шахс ташкил этмасдан HD форматда ташкил этилади;

республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқатиладиган рақамли кўрсатувнинг ҳаммабоп ижтимоий пакети таркибига киритилади;

эфирни сифатли ҳужжатли ва бадий фильмлар билан, шу жумладан, тайёр телемаҳсулотга буюртма бериш шартлари асосида тўлдирish мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурдаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, шунингдек, бошқа кино ва видео суратга олиш студиялари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси доимий асосда «O'zbekiston tarixi» телеканалига эфирга узатиш учун материаллар тайёрлашда, жумладан, уларнинг ишончилиги ҳамда тарихий воқеа ва фактларга мос келиши нўқтаи назардан кўриб чиқишида амалий ёрдам кўрсатсин, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини телеканал орқали ёритиш учун тақдим этиб борсин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар, барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасининг давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

(Давоми 2-бетда).

«...Бир фикрни такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан: олиб бораётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидagi масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ

Бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим тадбир — парламентга сайловлар бўлиб ўтади. Унинг ўтган йиллардаги сайловлардан фарқ қилиши кутилмоқда. Зеро, бу галгиси яқинда қабул қилинган Сайлов кодексига мувофиқ, янгича бир шароитда ўтказилади.

Сайловларнинг қонуний асослари тобора мустаҳкамланяпти. Халқаро тажрибанинг илғор жиҳатлари миллий қонунийлигимизга муваффақиятли жорий қилинмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан шуғулланадиган нуфузли жамоат ташкилотлари таклифлари, тавсиялари инобатга олинапти. Аммо бу — сайловларнинг ташкилий масаласи. Амалда унинг қай даражада жонли, шаффоф ва халқимиз келажагига даҳлдор ташаббуслар асосида кечиши — мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фаоллигига бевосита боғлиқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, сиёсий партиялар мазкур жараёнга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Бошқача айтганда, биз улардан нималарни кутамиз?

Аслида, ривожланган давлатлар сиёсий тизимида очик ва эркин хатти-

ҳаракат қиладиган бирдан-бир сиёсий куч, бу — сиёсий партиялар саналади. Улар жамият аъзоларини уюштирувчи тузилма бўлгани учун фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланади. Гурӯҳий ва индивидуал манфаатларни ифода қилиш ҳамда вакилликни

намоён этишда фуқаролик жамиятида сиёсий партиялардан афзалроқ омил йўқ. Шунингдек, партиялар ўзаро рақобати ва муносабатларисиз сиёсий тизимни демократлаштиришнинг тасаввур этиб бўлмайди.

Умуман олганда, ҳар қандай жамият тирик организм сифатида яшаб ва ривожланиб боради. Мана шу организмнинг бирорта аъзоси ишдан чиқса, жамият қандайдир касалликка учрайди. Жамиятнинг «сиёсий партиялар» деб аталган унсори ўз функциясини бажара олмаса, жиддий инқироз ҳолатлари пайдо бўлади. Аввало, сайловчилар — электоратнинг сиёсий манфаатлари сиёсий тизим ва қонунийликда тулик намоён бўлмайди, бу манфаатлар ҳимоя қилинмайди.

➔ 3

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

### Амалдаги қонун ҳуқуқий коллизияларга сабаб бўлмоқда.

### Унинг янги таҳрири ишлаб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Аҳолини иш билан таъминлаш — давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда депутатлар, эксперт гурӯҳи аъзолари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси, Тошкент давлат юридик университети илмий ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Мамлакатимизда барқарор иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқсан, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, фуқароларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, миллий меҳнат кучи рақобатбардошлиги ҳамда касбий даражасини ошириш

энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, айтилган меҳнат бозоридаги вазиятни тубдан яхшилаш, меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиётига мос равишда такомиллаштириш, инвестиция фаоллигини ошириш ва ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш учун «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш давр талабига айланди.

➔ 4

## Фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти

Агар 1990 йилда республикамизда 2 та фармацевтика корхонаси томонидан атиги 21 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда бундай корхоналар сони 155 тага, дори воситалари ва тиббий буюмлар номи эса 2836 тага етган. 2019 йилнинг 5 ойи якунлари бўйича мамлакатимизда фармацевтика соҳасида 162 та корхона фаолият юритмоқда. Аммо бу ҳам аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг «Аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

➔ 4

# МАРҒИЛОНДА ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар боғининг амфитеатрида «Буюк Илак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур фестивалда 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан санъат усталари таширф буюрди. Фестиваль доирасида илк бор Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан волонтерлар жамоаси ташкил этилиб, унга бир неча хорижий тилларни пўхта ўзлаштирган, мамлакат, шаҳар тарихи ҳақида батафсил маълумотларга эга ёшлар жалб қилинди.

➔ 4



Яна бир томони, фуқаролар шахс сифатида ижтимоийлашолмайдиган, сиёсий жараёнларда кам иштирок этади, уларнинг вақиллари — депутатларнинг фаолиятини назорат қила олмайди, натижада электротариф нафақат партия, балки парламент билан тўғридан-тўғри муносабатга киришолмайди.

Хуллас, бу бир-бирига ҳамма бўлиб қолган жараёнларда ҳар бир сиёсий партиядан ўз тарафдорларини, фаол аъзоларини шакллантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳокимият учун ҳаққоний кураш олиб бориш талаб этилади.

**Қонунийлик, очиқлик, ошқоралик, тенг ҳуқуқлилик. Амалда эса...**

Хозирги пайтда мамлакатимиз сиёсий тизимида бешта — Ўзбекистон Халқ демократик, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик, Ўзбекистон Либерал-демократик, Ўзбекистон Экологик партиялари фаолият кўриб келмоқда.

2005 йилдан буён қонунийлик асосида сиёсий партияларни Давлат бюджетидан молиялаштириш қоидаси ўрнатилди. 2015 йилда бу каби молиялаштириш 28 фоиз ўсиб, 39,9 млрд. сўми (14 млн. доллар) ташкил этди. Биргина мисол: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти 2017 йилда Давлат бюджетидан 14 млрд. 153 млн. 998 минг сўм миқдорда молиялаштирилган ("Миллий тикланиш" ДПдан бошқа бирон-бир партия ёки парламент томонидан бу рақамлар очiq эълон қилинмаган). Ваҳоланки, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида "Қонунийлик, очиқлик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари" деган қоида аниқ белгиланган бўлиши керак. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг муайян белгиланган мақсади — "Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади", деган қоида мустаҳкамланган.

Агар партияларнинг уставларидаги мақсадларига разам солсак, улардан узндан-узн, ичида партия мақсадларига мос кел-

мида ўзаро рақобат юз бермас экан, электротариф сиёсий маданияти ўсмайди, сиёсий партияларнинг ўзи демократлашмайди. Зеро, партия ана шундай муштарак шаклланиб, тоблиниб, тақомиллашиб боради, сиёсий жараёнлар субъекти сифатида ўзини намоён қила олиш даражасига эришади. Акс ҳолда...

Хозирги даврда биздаги барча сиёсий партияларнинг фаолияти учун умумийлик касб этадиган қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институтини сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермайпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошлик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилиги аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салохиятни етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафқуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафқуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

Партиялар фаолиятининг асосий қис-

мида унинг асосий мақсади қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институтини сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермайпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошлик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилиги аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салохиятни етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафқуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафқуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

Партиялар фаолиятининг асосий қис-

мида унинг асосий мақсади қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институтини сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермайпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошлик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилиги аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салохиятни етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафқуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафқуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

Партиялар фаолиятининг асосий қис-

мида унинг асосий мақсади қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институтини сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермайпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошлик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилиги аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салохиятни етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафқуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафқуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

Партиялар фаолиятининг асосий қис-

мида унинг асосий мақсади қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институтини сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермайпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошлик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилиги аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салохиятни етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафқуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафқуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

**Сайловчини куруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди**

Сиёсий партияларнинг сайловчилар орасида ўз дастурларини бажариш, сиёсий мафқураларини хайрихоҳлари онига синдириш, ўз электротариф партияга сиёсий мафқураси атрафида бirlаштириш каби долзарб вазифаларни бажаришни ундамай олимаганлиги яқинлашиб келаятган сайловда аниқ ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон ХДП ва "Адолат" социал-демократик партиясининг мафқураси бир хил — "социал демократия" эканлигини қандай тушуниш мумкин? Умуман олганда, сиёсий партияларнинг мафқураси хилма-хиллиги жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар диққатини ўзига тортади. Ижтимоий қатламларга мутаносиб равишда турли партиявий мафқуралар пайдо бўлади. Бошқача айтганда, ҳар бир партиявий мафқура ортида унинг маслак сифатида эътироф этилган, турли тоифаларга бўлинган электротариф мавжуд. Партиянинг бош мақсадларидан бири, бу — электротариф томонидан эътироф этилишидир.

Кейинги икки йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига, ҳозирги даврда давлат мақоматлари марказларига келиб тушадиган муносабатлар ва улар қандай масалаларга қаратилганлиги эътибор бермас, аксарияти ижтимоий муаммолар ёки инсон ҳуқуқи ва эркинликларни бузилишига доир экинликларни кўриши. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: нима учун ана шу муносабатлар сиёсий партияларга келиб тушмайди? Сабаби оддий. Чунки халқимиз яхши билади — фуқаролар муносабатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун партияларнинг ресурслари етарли эмас.

Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўтиш даврига хос бўлган ҳолатлар — уюшмаган ишларнинг қўллангани, фуқаролар халқаро миграция гирдобига тортилиши, аҳолини ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, иш билан бандлик каби долзарб муаммоларни ҳал қилишдан четда қолди. Улар давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги фаолиятига тошмаган бўлиб турди, ҳоло. Партияларнинг яшаш салохияти йўқлиги бориши натижасида парламент кўйи палатасидаги партиялар фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги партиявий гуруҳлар ўзларига берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ ҳамда самарали фойдалана олмайди. Бу жараён бундан кейин ҳам давом этадиганлиги учун сай-ҳаракатларни тезроқ бошлаш керак.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ**

мини ўзига хос бўлмаган — дастурий мақсадлар доирасидан ташқаридаги тадбирлар ташкил этади. Яъни партия ташкилотлари аксарият ҳолларда касбабо уюшмалари ёки ННТ фаолиятини такрорлаётганлиги ҳолос. Партия дастурларини тарғиб этиш, партиявий интизом, партия мафқураларини аъзолар ва сайловчилар дунёқарашига синдиришга доир ташкилий ишларни олиб борамайпти.

Партиявий фаолият, асосан, марказий партия органида олиб борилиб, бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар ҳам деярли ҳаракатсиз, натижада ўз электротарифдан узилиб қолган.

Юқори органларида бошқарув маъмурий ва буйруқ-бошлик усулида олиб борилиши оқибатида партиянинг қуйи ташкилотларида ташаббус кўрсатиш, бошқарувнинг янги технологияларидан фойдаланиш, аъзолар манфаати билан партиявий бошқарув мақсадларини уйғунлаштириш ҳолати учрамайди, уларда ижтимоий менежмент ва демократик сиёсий ташкилотга хос номарказлашган бошқарув жорий этилмаган.

Партия дастурлари, сайловолди дастурлари ва низомидаги аъзолар ҳамда электротариф манфаатлари аниқ, содда ва ҳамма тушунадиган даражада ифодаланмагани сабабли бу ҳужжатларда битилган партиявий интизом, ижтимоий фаолият, партияга дахлдорликни ташминлаш имкони бўлмайпти.

**Дастурий вазифалар ижросидан дарак йўқ**

Сиёсий партия шундай ташкилотки, унинг бошланғич бўйинлари халқ ичида бўлганлиги учун жамиятдаги ўзгаришларни ва пайдо бўлган муаммоларни тезликда илгаш ҳамда улар ечимларида доир зарур чора-тадбирларни кўриши билангина ўз мавжудлигини ташминлай олади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП дастурий ҳужжатларида бирдан-бир партияга хос бўлган функция — "Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга қўмақлаштириш, уларнинг сиёсий онги, маданиятини ривож учун курашиш" вазифаси белгилан-

гани хал қилиш бўйича партия ўз ташаббуслари, тақлифлари билан чиқаяпти? Бу соҳада партия қонунийликни ривожлантириш, ижтимоий ҳокимиятни тўзилмаларига таъсир этиш, депутатлар гуруҳлари ва партия фракцияси воситасида қандай ўзгаришларни амалга ошириши?

Албатта, бу саволларга жавоб топиш қийин. Чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келаятган партия сафларида етакчи сифатида эътироф этилган, юксак давлат ҳокимияти органларига кўтарилган шахслар бармоқ билан санарли. Партия ташкилотларида раҳбарлик вазомиларида ишлайётган мидирларни ҳўжалик раҳбарларидан фарқлаб бўлмайди.

Ўзбекистон ХДП ҳозирги кунга қадар жамият ҳаётида бирон-бир ўзгариш ясайдиган ташаббус, янги ёки ёнги концепция билан чиқанини кўрмади. Партияни жамият бошқаруви асосидаги ривожлантириш мумкин, у ҳеч қачон маъмурий-буйруқбошлик бошқарув усуллари билан обрўсини кўтара олмайди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида қуйидагилар белгиланган: "Биринчи мақсад. Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини ташминлаш. Шу ижтимоий тоифа номида Ўзбекистоннинг сиёсий саноҳасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш".

Мазкур мақсадини амалга оширишнинг бир йўналиши — фермерлик ҳаракатини ривожлантириш соҳасини олиб кўрайлик: 2003 — 2016 йилларда фермерларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати қанчалик ўзгариши? Бу соҳада партия қандай ишларни амалга оширди? Фермер ҳўжаликларидан меҳнат қилаётган ишчилар ойлари, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бобида қандай чоралар кўрилди? Бу саволларга жўяли жавоб топиш аямримоқ. Фақат кейинги икки йил ичида фермерларга нисбатан ҳўкуматнинг қарашлари ижобий томонга ўзгариб, бу соҳага замонавий кластерлар кириб бормоқда. Пахта майдонлари қисқартирилиши фермерларга энгилликлар олиб келди.

Аммо партия дастурлари ҳам, унинг ташкилотлари фаолияти ҳам либерализмнинг асосий белгилари — индивидуал эркинлик, инсон ҳўқуқларини сақлаш ва ҳур-

шаклланди, бу тизим энди инсонга хизмат қиладиган воситага айланди, суд-ҳўқуқ тизимида адолат принципларини ўрнатди, унинг шарофиди бўлишига эришиш каби янгилаштирилган амалга оширилди. Ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида халқчиллик, жамиятга хизмат кўрсатишга хос жиҳатлар кўрина бошлади. Жиноятчилик қамайди, 20 мингга яқин фуқаролардан "экстремистлар ва террорчиларга яқин ва қариндош" деган тағма олиб ташланди, мингдан ортиқ эркин фирқолар сиёсий фуқаролар турли чекловлардан холи этилди, сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилиб, қамоқхоналаридан минглаб фуқаролар Президент афв этиши ҳисобига эркинликка чиқарилиб.

Аммо инсон эркинлиги ва ҳўқуқи, шунингдек, жамиятда адолат принципларини тиклаш бобидаги қўламли ислохотлар жараёни кенгайиб бораётган даврга келиб ҳам партия ташкилотлари ўз дастурий мақсадини тўлиқ равишда бажара олмайпти.

"Адолат" СДП фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирок этишга доир дастурий мақсадини илгари сурган бўлса-да, амалда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари — ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касбабо уюшмалари ҳамда ОАВ-ни ривожлантириш, уларнинг мустақил институт сифатида фаолият юритиши учун қонунийлик асосини тақомиллаштириш, бу институтларда иштирок этадиган аҳолининг ҳўқуқини ва сиёсий маданиятини оширишдаги роли унчалик кўзга ташланмади.

Ўзбекистон Экологик партиясининг ташкил топганига ҳам ярим йил тўлди. Партия раҳбариятининг бу "соҳадаги вазифаларнинг қўлами мамлакат миқёсида ва алоҳида минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яқин ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бirlашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сай-ҳаракатларини бirlаштириши талаб этди" деган баёнотининг ҳаётида ифодасидан дарак йўқ. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари томонидан Оролбўйи аҳолисини, шу жумладан, Мўйноқ туманига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, Орол денгизи ўтган ярим асрда кўриб бормоқда. Бугун 5,5 млн. гектар ер сарҳода айланиб, ундан атмосферага 100 млн. тонна чанг кўтарилаётир. Шу боис давлати-

нинг "Мақсад ва вазифалари" қисмида қуйидагилар белгиланган: "Орол фожисини оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, минтақанинг мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий сув оқимларининг сув ре-

сурсларидан адолатли фойдаланиш учун кўчаларни бirlаштириш". Бироқ партиянинг

нинг "Мақсад ва вазифалари" қисмида қуйидагилар белгиланган: "Орол фожисини оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, минтақанинг мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий сув оқимларининг сув ре-

сурсларидан адолатли фойдаланиш учун кўчаларни бirlаштириш". Бироқ партиянинг

нинг "Мақсад ва вазифалари" қисмида қуйидагилар белгиланган: "Орол фожисини оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, минтақанинг мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий сув оқимларининг сув ре-

сурсларидан адолатли фойдаланиш учун кўчаларни бirlаштириш". Бироқ партиянинг

нинг "Мақсад ва вазифалари" қисмида қуйидагилар белгиланган: "Орол фожисини оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, минтақанинг мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий сув оқимларининг сув ре-

сурсларидан адолатли фойдаланиш учун кўчаларни бirlаштириш". Бироқ партиянинг

**ХАТОЛАР БУГУН ТУЗАТИЛМАСА, ЭРТАГА КЕЧ БўЛАДИ**

ёхуд Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятига бир назар

Рассомлик, ҳайкалтарошлик, дизайн, мейморчилик... Тасвирий санъатнинг ноёб турлари борки, уларнинг мақсад ва вазифалари ўзига хос; инсониятга яхши қайфият ҳамда гўзаллик улаштириши.

Лекин ушбу йўналишда касб эгаларини аниқлаш, иқтидорини тўғри йўналтириш, малакали кадрларни тайёрлаш аниқ мушкул иш.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ушбу йўналишларда истеъоддорларни қамолга етказишда таълим даргоҳларининг асосий вазифаси бўлиши керак. Бундан ташқари, таълим даргоҳларида таълим олиётган талабаларнинг иқтидорини аниқлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳокимият учун ҳаққоний кураш олиб бориш талаб этилади.

Биноси охириги марта бундан қариб 14 йил илгари капитал таъмирдан чиқарилган. Бу эса бинони қайта таъмирлаш лозимлигини яққол кўрсатмоқда. Устахоналарнинг аҳоли ачинарли: поллари эскирган, мебелларни алмаштиришнинг алаҳқачон вақти етиб келган.

Институти мутасаддиларининг айтишларига қараганда, устахоналарда ижодий жараён ҳўки сургани туфайли полга, стол-стуллар устига лой ва шунга ўхшаш нарсалар тушиши табиий, бир оз тартибсизлик шу боис. Бироқ бу масаланинг ечимини эмас. Ижодий устахоналар, албатта, зарур қўлайликларга эга бўлиши, шунга мос равишда жиҳозланиши ҳам керак-да.

Китоб олувчиларни қайд этиш дастурига эса тушуниш қийин, у қандайдир нуқтали белгилар билан тўлдирилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида олинган янги китоблар, деяр кўрсатилган адабиётларнинг аксарияти анча йиллар олдин нашрдан чиққанига нима дейсиз? Кўпбўйсизга аъзо бўлганларнинг мақсуи картосида унинг суратидан бўлак ҳарса ёзилмаган; на исм-фамилияси ва на бошқа маълумотлар бор... Бундай камчиликлар Ахборот-ресурс мар-



кази фаолиятини янада тақомиллаштириш, соҳада қандай назорат ва тартиб ўрнатилишини тақозо этмайди!

Спорт зал ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Ажратилган залда баскетбол, волейбол ва бошқа спорт машғулотларини ўтказиш учун шартлоилар чакки эмас. Лекин у билан уйғун равишда керак бўлган айрим масалалар эса инobatларга олинмаган. Биргина спорт залининг қиёмини хонаси йўқлиги ҳам оғриқли саволларни туғдиради.

Ўқув ишлари бўйича проректор

Бехзод Хожиметов бу ҳолатга қуйидагилар изох берди:

— Тўғри, қиёмини хоналари бўлиши шарт, — деди у, — Тан оламиз, бунинг имкони йўқ. Ўқув хоналари етишмайди. Айни пайтда 4 та факультетнинг барчаси бир жойда жойлашган. Шу сабаб, биринчи навбатда, фойдаланса бўладиган хоналарни ўқув хоналарига айлантириш керак. Кўпбўйсизга масалани ҳам шу муаммо. Бинонинг айрим жойлари таъмирталаб эканлигини инобатга олиб, янги ўқув йилига қадар таъмирлашни режалаштирганмиз.

Кўзатувларимиз давомида Театр безаги рангтасвир кафедрасига тўқнаш келди. Унинг мудири Аслиддин Ортиқовнинг таъкидлашича, ўшбу кафедрани жаъми 25 нафар ўқувчи, шундан 16 нафар асосий штатда ишлайди. А. Ортиқов институтида 2001 йилдан буён, 2012 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимига фаолият юритиб келмоқда-ю, шу кунгача илмий даража олмаган. Бунинг сабабини сўраганимизда, "Хали ёшмиз, улғуримиз" деган жавоб олдиқ. Мана сизга илмий даражага кафедра мудирининг муносаба-

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

